Тошкент шахар Олмазор тумани Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган 36-ёрдамчи мактабида вояга етмаган ёшлар ўртасида
**«Мобил телефонларнинг хозирги кундаги ёшлар хаётида туттан ўрни»**
мавзусида ўтказилган йиғилиш

**Б А Ё Н Н О М А С И.**

**2018 йил 20 апрель** **Тошкент шахри.**

**К А Т Н А Ш Д И:**

1.ТТА суд тиббиёт ва тиббиёт хукукий кафедраси мудири И.И.Бахриев ва бир гурух кафедра ходимлари
2.97 нафар ўкувчи
3.27 нафар педагог ходимлар

**К У Н Т А Р Т И Б И.**

1. **«Мобил телефонларнинг хозирги кундаги ёшлар хаётида туттан ўрни»** мавзуси

**Э Ш И Т И Л Д И.**

Кун тартибидаги масала юзасидан яъни **«Мобил телефонларнинг хозирги кундаги ёшлар хаётида туттан ўрни»** мавзусида ММИБДЎ Гафарова сўзга чикди. У аввало «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукукбузарлик профилактикаси тугрисида»ги 2010 йил 29-сентбрдаги Ўзбекистон Республикаси конунининг мазмун- мохияти, конуннинг 7-8-13 моддалари хакида кискача тушунтириб ўтди. Бундан ташкари Вазирлар Махкамасининг 2000 йилдаги 360-сонли карори яъни вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва хукукбузарликнинг олдини олиш юзасидан чиккан карорларнинг мазмун- мохияти хакида хам тўхталди. Лекин юкори ташкилотлардан вояга етмаган ёшларнинг назоратсизлиги ва каровсизлигини, жиноятчилик ва хукукбузарликнинг олдини олиш тўгрисида карор ва фармонлар чикарилиб жойларда бир катор ишлар амалга оширилишига карамасдан вояга етмаган ешлар ўртасида билиб- билмай хукукбузарлик ва жиноятчиликка йул куймокдалар. Ҳозирги кунда кўпгина вояга етмаганлар орасида содир этилаётган хукукбузарликни олиб кўрадиган бўлсак, вояга етмаган ёшлар томонидан инсонлирнинг мобил телефонларини олиб кочиб кетиш, телефон ўгирлаб сотишларига бориб такалмокда. Ёки ёшлар орасида телефондан бизнинг тарбиямизга зид бўлган шарм хаёсиз фильмларни кўришлари хам ачинарли албатта. Шунинг учун мобиль телефондан факатгина оила аъзоларимиз билан зарур холатдагина фойдаланишимиз зарур. Дарс пайтларида, мактаб худуди музикаларни биланд килиб юриш мутлако мумкин эмас. Бунинг сабаби эса, баъзи ота- оналаримизнинг каёкдаги орзу хаваслари деб факат пул топиш максадида бола тарбиясига эътибор бермасликлари ёки фарзандларининг каровсиз ва назоратсиз колишлари ёки баъзи

болаларнинг ким билан юриши, нима иш килиши, каерда бўлишига ота- она томонидан эътиборсизлиги, хатто таълим муассасаларида доимо тунги соат 20: 00 дан кейин ота- оналарнинг назоратисиз куча- куйда юрмасликлари, интернет клубларда, компьютер хоналарда, кафе барларда юрмасликлари хакида тушунтириш ишлари олиб боришларига карамасдан каровсиз колишлари натижасида ўзлари билиб-билмай жиноят ва хукукбузарлик содир этиб куймокдалар.

**ТТА суд тиббиёт ва тиббиёт хукукий кафедрасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича рахбари М.А.Хасанова сўзга чикиб**: Айникса, вояга етмаган ёшлар орасида хукукбузарлик, тан жарохати етказиш, ўгирлик, тажовуз килиш сингари жиноятларнинг юз бериши ачинарли албатта.Хаттоки ёшлар келажаги учун Президентимиз томонидан жуда катта ишлар амалга оширилмокда.

Хозирги кунда ёшлар учун яратилаётган шарт- шароитлар, спорт иншоотлари, компьютер технологиялари, Давлат мукофотлари,чет элларга чикиб ўкишлари учун грандлар ташкил этилганлиги, бунинг учун эса, албатта факат эътиборни ўкишга каратиш кераклиги хакида таъкидлаб утди. Шундай экан бу имкониятлардан етарлича фойдаланишлари кераклиги,дарсларда ўз вактида бўлишлари, дарсларга кирмасдан куча- куйда бекорчи ишлар билан юришнинг окибатида билиб- билмай бирон- бир жиноятчилик ёки хукукбузарлик содир этиб куйишлари мумкинлиги, хозир ўкувчиларнинг ягона вазифаси факат ўкишдан иборат эканлиги, мактабда ўкувчилар давоматини оркага тортмасликларини яна бир бор таъкидлади.Агар хар бир инсон у ёшми, карими ўзини жамиятнинг бир бўлаги деб хисобласа ва мен Ватанга нима бердим деб ўйлаб иш килса бундай жиноятлар сони камаяр, балки умуман бўлмас эди.

**Юкоридаги масалалар юзасидан йиғилиш**

**К А Р О Р К И Л А Д И.**

1.Вояга етмаган ёшларни хукукбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш максадида мактабда ташкил этилган фан ва спорт тугараклар савиясини оширилсин ва ўкувчиларни янада кенгрок жалб килинсин
2.Ўкувчи ёшларни мактабда ва айникса дарсларда мобил телефондан фойдаланишлари каътиян таъкиклансин.
3.Мактабда ўкувчиларнинг хукукий саводхонлигини ошириш максадида соха мутахассислари иштирокида давра сухбатлари, тадбирлар, йиғилишлар режа асосида ўтказилсин.

**Мактаб директории: М.Ю.Мусаева**
**ММИБДЎ: М.М.Гафарова.**